



ЎЗБЕКИСТОН БУНЫОДКОРИ

ЎТИМОЙ-ЎТИСОДИЙ ГАЗЕТА

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 55 (608)
2022 йил 2 август,
сешанба

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан
хафтанинг сешанба ва
жума кунлари чиқади.

УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ЯҚУНЛАНДИ – ТАКЛИФЛАР НЕЧТАГА ЕТДИ?

Мухтарам КОМИЛОВА,
ЎЗА мухбири.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.



Брифингда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси яқунлари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборот юзасидан маълумот берилди.

– Умумхалқ муҳокамаси даврида вазирлик, идора ва ташкилотларда, республика бўйича барча туман ва шаҳарларда, шунингдек, Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар, сиёсий партиялар, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида 20 мингга яқин тадбирлар ташкил этилди, – деди Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Жаҳонгир Широнов. – Конституциямизга киритилаётган ўзгаришлар ҳамда олиб борилаётган ишларни аҳолининг кенг қатламига етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали кўплаб материаллар чиқарилди. Масалан, давлат ва нодавлат телеканалларда 11 минг 606 та лавҳа, интервью, информацион ва махсус кўрсатувлар эфирга узатилган бўлса, радиоканалларда 2 минг 997 та информацион ва махсус эшиттиришлар ташкил қилинди. Марказий, ҳудудий ва сиёсий партиялар нашрларида 1 минг 138 та мақола чоп этилди. Конституциявий ислохотлар юзасидан интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқларда 46 минг 720 та ахборот материаллари эълон қилинди.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаларида ёшлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институти вакиллари, умуман, Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз катта қизиқиш билан иштирок этиб, ўз таклифларини билдирди. Эътиборли томони, мамлакатимизда бўлаётган Конституциявий ислохотлар жараёнига ҳориждаги ватандошларимиз ҳам бефарқ бўлишмади. Жумладан, Қозоғистон, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Германия ва бошқа давлатлардан ватандошларимизнинг юзлаб таклиф ва муносабатлари келиб тушди.

Брифингда қайд этилганидек, Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига чиқарилгандан сўнг ҳозирга қадар 150 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушган.

Таклифлар орасида ишисизликни тугатиш, солиққа тортишнинг мутаносиб ва ижтимоий адолат принципларига мўб бўлиши, давлатнинг зарур ҳолларда ҳориждаги фуқароларга ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиши, давлат органлари фаолиятида очикликнинг бўлиши ва уларга коррупцияга қарши курашиш мажбуриятини юклаш, аҳоли учун муносиб яшаш шaroитларини яратиш, озиқ-овқат хавфсизлиги, маҳаллий Кенгашларга ҳам ҳокимларга ишончсизлик вотумини билдириш ваколатини бериш, суднинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўлга қўйишга ҳақли эмаслигини белгилаш каби

таклифлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Қайд этилганидек, масъул қўмиталар умумхалқ муҳокамаси давомида берилган таклифларни ўрганиб чиқиш учун Конституциявий комиссия билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйди. Умумхалқ муҳокамаси давомида масъул қўмиталарнинг қарийб 40 мартаба мажлислари ўтказилди. Таклифлари долзарб аҳамият касб этган муаллифлар билан учрашувлар ташкил этилиб, уларнинг берган таклифи бевосита ўзининг иштирокида масъул қўмиталарда муҳокама этилди. Узоқ ҳудудларда жойлашган таклиф эгалари билан эса масофадан туриб онлайн иш олиб борилди. Масалан, “хотин-қизлар ва эркакларнинг гендер тенглигини давлат томонидан кафолатлаштириш”ни Конституцияда амс эттириш лозимлиги ҳақидаги таклиф қўмитанинг жорий йил 22 июлда йиғилишида муаллиф иштирокида муҳокама этилиб, унинг таклифи долзарб, деб топилди. Шунингдек, “иш вақти ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги” ҳақидаги таклиф ҳам унинг муаллифи иштирокида таҳлил этилди ва долзарб деб топилди.

Брифингда Конституциявий қонун лойиҳаси 6 турдаги экспертизадан ўтказилгани, шунингдек, кучи кеча етакчи олимлар, профессорлар, академиклар иштирокида жамоатчилик маслаҳатлашуви ўтказилиб, унда ҳам лойиҳада сўз ва ибораларни тўғри қўллаш юзасидан қатор таклифлар берилгани қайд этилди.

Шу билан бирга, ҳориждаги сиёсий доиралар ва етакчи экспертларга Конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказиш мақсадида АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Польша, Япония, Корея, Ҳиндистон каби давлатларда турли конференциялар, давра суҳбати ва тадбирлар ўтказилди.

Таъкидланганидек, ҳар бир таклиф ва экспертиза хулосалари чуқур муҳокама қилиниб, шундан сўнг қўмиталарнинг қўшма йиғилиши, сиёсий партиялар фракцияларида муҳокамалар ўтказилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси кун тартибига олиб чиқилди. Қонун лойиҳасининг матни тайёр бўлиши билан у депутатлар муҳокамасига киритилди ва халқ вакилларининг фикрини инобатга олган ҳолда Конституциявий қонун лойиҳаси референдумга қўйилди.

Брифингда жорий йилнинг 1 август кунини умумхалқ муҳокамаси учун ажратилган вақт тугаганини эътиборга олган ҳолда “Meningkonstitutsiyam.uz” платформаси ва 1341 колл-марказ орқали таклифларни қабул қилиш тўхтатилиши, лекин “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун талаблари асосида лойиҳага берилган таклифлар белгиланган тартибда қўриб чиқиши таъкидланди.

БУНЁДКОРЛИК ОРҚАЛИ ҲУДУД ЎЗГАЧА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА



Наргиза МИРЁҚУБОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўтмишда ашаб ўтган буюк алломаларимиз яратиб қолдирган бой маданий меросни ўқиб-ўрганиш, асраб-авайлаш, уларнинг табарруқ қадамжоларини ободонлаштириш бугунги куннинг муҳим талабларидан саналади. Ана шу мақсадда Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан нафақат юртимиз, балки, Ислом оламидаги табарруқ қадамжолардан бири – буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий зиёратгоҳини қайта қуриш ва ободонлаштириш жараёни бошлаб юборилди.

Вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги “Ягона буюртмачи” инжиниринг компанияси буюртмаси асосида “Enter Engineering” компанияси қурувчилари томонидан барпо этилаётган мажмуанинг умумий майдони 4,8 гектардан иборат бўлиб, унинг 2,8 гектар қисмида

масжид, айвонлар, мақбара, таҳоратхона ва меҳмонхоналар қуриш, қолган қисмида эса ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

6 БЕТ

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

СЕЙСМИК ЗАИФ КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАР ЎРНИГА ЯНГИЛАРИ ҚУРИЛАДИ

Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қурилиш вазирлигида “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидландики, Ўзбекистон аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини 2025 йилгача такомиллаштириш концепцияси ҳамда уни 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланган. Фармонга мувофиқ, 2022 йилнинг 1 сентябридан республиканинг сейсмик фаол зоналарида янги қурилиши режалаштирилган хавфлилик омили IV тоифага мансуб объектларга зилзилабардошлик бўйича хулосалар бериш тартиби жорий этилади.

Сейсмик заиф ижтимоий соҳа объектларининг рўйхати ҳар йили 1 апрелгача шакллантириб борилади ҳамда инструментал-техник текширувдан ўтказиш ишлари Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда ташкилланган бўлади. 2022 йил 1 октябрдан республикадаги кўп квартирали уй-жойларни йиллар кесимида зилзилабардошлик бўйича хатловдан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади. Хатлов натижасига кўра, эксплуатация муддатини ўтаб бўлган сейсмик заиф ҳамда авария аломатлари аниқланган кўп квартирали уй-жойлар ўрнида босқичма-босқич янги уй-жойлар қуриш бўйича таклифлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритиб борилади.

Семинарда сўз олганлар 2022–2025 йиллар давомида Андижон, Тошкент, Гулистон, Нурафшон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Навоий, Қарши, Термиз, Нукус, Урганч



шаҳарларининг рақамлаштирилган сейсмик микрохуудлаштириш хариталари ишлаб чиқиши таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, келгуси йилнинг 1 апрелидан сув омборлари тўғонларида сейсмик хавфни олдиндан прогноз қилиш ва баҳолаш амалиёти жорий қилиш мақсадида космик мониторинг доирасида симуляцион дастур орқали зилзила натижасида тўғон ўпирилиши оқибатида сув босиши мумкин бўлган республика ҳудудларининг визуал 3Д моделларини ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилади. Бундан ташқари, сув омборлари тўғонлари ўпирилиши оқибатида қўриқув ишларини ташкиллаштиришида тегишли вазирлик ва идораларни зарур космик суратлар ҳамда ишлов берилган маълумотлар билан таъминлаш тизимининг жорий этилиши маълум қилинди. Мазкур амалиёт ва тизим 2023 йил 1 февралгача ишга туширилади.

2023 йилдан республиканинг сейсмик фаол зоналарида баланглиги 9 қават ёки ундан юқори бўлган серияли қурилиши режалаштирилган ёки танлаб олинган бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш, сифатини таъминлаш ҳамда камчиликларни олдиндан бартраф этиш мақсадида вибродинамик ускуна ёки замонавий рақамлаштирилган инструментал асбоб-ускуналар ёрдамида синов ва текширув ўтказиб борилади. 2022 йил 1 декабрдан республикадаги барча сунъий иншоотлар (кўприклар, тоннеллар, эстакадалар, темир йўл кўприклари ва бошқалар) хатловдан ўтказилиб, ягона рақамлаштирилган маълумотлар базаси ташкил этилади. 2023 йил 1 мартгача республикадаги барча мавжуд сунъий иншоотларнинг зилзилабардошлиги бўйича электрон техник паспортлари шакллантирилиши белгиланган.

2022/2023 ўқув йилидан Наман-

ган муҳандислик-қурилиш институти ва Фарғона политехника институтида “Био ва иншоотлар зилзилабардошлиги” таълим мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлаш амалиёти йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида 2022-2023 ўқув йилидан “Тарихий обидаларнинг сейсмик мустаҳкамлиги” таълим мутахассислиги очилади.

Булардан ташқари, шу йилнинг 1 декабрига қадар республикадаги сейсмик фаол, ўрта фаол ва тинч ҳудудлар ҳамда майдонларни ўзида муҳассамлаштирилган интерактив онлайн-харида ишлаб чиқилади. 2023 йил 1 августгача эса сейсмик фаол зоналарда жойлашган бино ва иншоотлар майдонининг зилзилалар оқибатида деформацияси, силжиши, қўқиши каби омилларни аниқлашга мўлжалланган радиолокацион космик мониторинг тизими яратилиши кўзда тутилмоқда.

Суратлар president.uz олинди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРИ

Наргиза МИРЁҚУБОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 10 июнь кунги иқтисодий тармоқлари, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу соҳадаги янгиликларни кенг жорий этиш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди. Ана шу вазифалар ижросидан келиб чиқиб, жорий йилнинг 28-29 июль кунлари "Ўзэлтеханоат" уюшмаси томонидан "Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва янги имкониятлар" республика кўргазмаси ташкил этилди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Энергетика вазирлиги ҳамда "Ўзэлтеханоат" уюшмаси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур кўргазмада қуёш электр панеллари ва сув иситиш қурилмалари ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб берувчи 20 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ўз махсулотлари билан иштирок этишди.

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш барча ишларда устувор тамойил этиб белгиланган. Одамларнинг яхши яшаши учун энг зарур манбалардан бири эса бу энергия. Сўнгги йиллардаги ислохотлар натижасида бу соҳадаги узилишлар анча камайти. Лекин, қуёш мавсумида аҳолининг энергияга бўлган эҳтиёжи кескин ошиши сабабли барча оғирлик электр тармоқларига тушмоқда. Бугунги кунда юртимизда 2-3 миллиард киловатт соат электр энергиясига қўшимча талаб бор. Келгуси беш йилда эса бу эҳтиёж 10 миллиард киловатт соатга ошиши кутилмоқда. Бундай вазиятда энг самарали йўл ўй, корхона, боғча, мактаб ва шифоналарда муқобил энергиядан фойдаланишни кўпайтиришдир. Шу боисдан, қайта тикланувчи энергия ускуналарини кенг жорий этиш, бу борада аҳолини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Бу борада аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун янги тизим белгиланди. Ушбу тизимга кўра, ҳар бир ўрнатилган қуёш ва шамол электр ускунаси учун, қувватига қараб, 15 миллион сўмгача, сув иситиш қурилмаси учун эса 2 миллион сўмгача компенсация тўланади ёки ускуна қийматини 3 йил ичида фоизсиз, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти ҳам яратилади.



Ўзбекистон бозорига 8 йил аввал фаолият бошлаганимиз, – деди "Колор Нечерс" компаниясининг асосчиси Фаррух Асрорхўжаев. – Биз иш бошлаган вақтларда талаб у қадар юқори бўлмаган. Сабаби, аҳолининг электр энергиясини фақат давлат етказиб бериши керак деган нотўғри тушунича бор эди. Хозирги кунга келиб, иқлим ўзгариши электр энергияси етказиб бериш билан чамбарчас боғлиқ. Бониси, ишлаб чиқарилаётган электр энергияси ортда атмосферага углекислота газларининг чиқиши кузатилади. Биз қўллаётган технологиялар эса бу "яшил технология" бўлиб, у қуёш электр станциялари ва қуёш сув иситиш коллекторлари ҳисобланади. Ушбу технологияларни хоҳонлар, турли ташкилот ва ишлаб чиқариши объектлариغا ўрнатиш мумкин. Президентимизнинг 2022 йил 10 июнь кунги ўтказган видеоселектор йиғилишидан сўнг соҳага катта эътибор берилди бошланди. Бу эса биз каби ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар учун катта имконият яратиши баробарида, яшил технологияларга ўтишда муҳим ҳисобланади. Хозирги кунда ҳар бир ташкилот ўз истеъмолнинг 30 фоизини қуёш панеллари орқали қоплаши талаби қўйилмоқда.

Ўзбекистонни бежизга қуёшли диёр деб аташмайди, – деди "МИР КОЛОР" МЧЖ бош директори, техника фанлари доктори Ақром Мирзабоев. – Юртимизда йилнинг 300 кундан ортиғи қуёшлидир. Бу дегани 300 кундузи

Ўзбекистоннинг электр энергиясини тўлиқ қоплаш мумкин. Бу борада Президентимизнинг видеоселектор йиғилиши соҳада жуда катта бурилиш ясади. Янги бозорлар яратилди. Қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бугуннинг ўзида кўплаб шартномалар имзоладик. Тадбирнинг ўзига хослиги шундаки, истеъмолчилар ишлаб чиқарувчилар билан учрашиб мулоқот қилиши ва ўзи истаган технологияларни кўриб харид қилиш бўйича келишувлар имзоладик.

– Президентимиз Қашқадар вилоятининг "Чироқчи" эркин иқтисодий зонасида қайта тикланувчи электр манбаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этиш тўғрисида топшириқ берганди, – деди тадбиркор Элмурод Абдуллаев. – Корхонамиз ҳам ушбу масалага ўзини ҳиссасини қўшиш мақсадида ҳозирги кунда 2 гектар майдонни олиб, шундан бир гектар майдонда йилга бир миллион донга қуёш сув иситкичларини ва 1 гектар майдонда қўшимча тарзда йилга 100 мегаватт қуёш панелларини ишлаб чиқаришни режалаштирган. Корхонамиз ўтган йиллар давомида республикада 1 000 дан ортиқ объектларда қуёш станцияларини ўрнатди.

Мисоллар асосида фикримизни давом эттирсак, бир оила сув иситиш учун бир ойда ўртача 195 минг сўм харажат қилади. Энди улар 6 миллион сўм эвазига 200 литрли қуёш қурилмаси ўрнатса, давлатдан 2 миллион сўм компенсация олади. Бунда ҳар ой кетган харажат иқтисод бўлиши ҳисобига, сув иситиш қурилмаси 21 ойда пулини оқлайди ва фойдага қолади. Агар оила компенсацияни эмас, бўлиб-бўлиб тўлашни танласа, ойлик тўлов 170 минг сўм бўлади. Яъни, ҳозирги тўловдан ҳам кам бўлади ва уч йилдан кейин иссиқ сув учун умуман харажатга ҳоҳат қолмайди. Яна бир қўлай томони, одамлар бунинг учун бирон-бир ишлага бориб юришмайди. Ҳамма ҳужжатлар ускуна харид қилинадиган жойнинг ўзида ҳал этиб берилади. Бу тизим Энергетика вазирлигининг махсус жамғармаси орқали жорий этилади.

Давлатимиз раҳбари барча жараёнларни рақамлаштириб, ушбу янги тизимни 1 сентябрдан йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берган эди. Вилоят ҳокимлари олдиға жорий йилда "дафтарлар"га кирган каммида 5 мингта оилани, келгуси йилда яна 10 мингта оилани сув иситиш қурилмаси билан таъминлаш чораларини кўриш вазифаси қўйилди.

– Асосий вазифамиз тажрибамиз орқали "яшил" технологияларни жорий этиш самардорлиги ва улардан манфаатли фойдаланиш мақсадида республикамизда яратилган имкониятларни кенг намоиш этишдан иборат, – деди "Ўзэлтеханоат" уюшмаси раиси Мирзиёд Юнусов. – Ҳисоб-китобларга кўра, бир йилда Ўзбекистонда 10 миллиард долларлик электр ва газ истеъмол қилинади. Мисол учун, ўтган йили энергия ресурсларига Сув ҳўжалиги вазирлиги 3 триллион сўм, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимлари 200 миллиард сўмдан бюджет маблағларини сарфлаган. Бу эса, ўз навбатида, барча вазирлик ва идора, ҳокимлик, маҳалла биноларини ҳам муқобил энергияга ўтказиш вақти келганини кўрсатмоқда.

Кўргазма якуний натижаларига кўра, қарийб 300 миллиард сўмга яқин келишувлар имзоланди, 60 та ОТМ томонидан 4 600 КВТ соат қуёш фото электр қурилмаларига буюртма берилди. Кўргазмада В2В форматда учрашувлар бўлиб ўтди, тузилган шартномалар тегишлича рўйхатдан ўтказилди.

Гидроиншоотда автоматлаштирилган бошқариш тизими жорий этилади

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманида жойлашган "Қизилтўпа-Кегейли" ирригация тизими бошқармасига қарашли "Дўстлик" магистрал каналнинг ПК-252 нуқтасида жойлашган "Дўстлик-1" гидроиншооти 1955 йилда фойдаланишга топширилган. Гидроузель Нукус, Кегейли, Чимбой, Бўзатов, Қораўзақ ва Тахтақўпир тўманларига "Кегейли", "Қуваниш-жарма", "Қук-узаяк" ва "Естек" каналлари орқали, жами 161 минг гектардан ортиқ ер майдонига сув етказиб берувчи асосий иншоот ҳисобланади.



Ҳозирда гидроузельнинг "Кегейли" канали сув тақсимлаш бош иншоотида таъмирлаш ва автоматлаштирилган бошқариш тизимини жорий қилиш бўйича кенг кўламли иш олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳа қиймати 288 миллион сўмни ташкил этиб, гидроиншоот тўсиқларини бўяш ва жиҳозларни ўрнатиш ишлари "RATUFER SERVICE" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бажарилмоқда.

Гидроиншоотга автоматик бошқариш тизими ўрнатилгач, диспетчерлик хонасидан ускунани бошқариш имкони яратилади.

Таъкидлаш жоиз, "Қуваниш-жарма" каналига Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги KOICA грант маблағлари ҳисобидан "Ақли сув" қурилмаси ўрнатилган бўлиб, ушбу қурилма ёрдамида реал вақт режимида сувни назорат қилиш, ҳудудларга етказиб берилаётган сув ресурсларини онлайн кузатиб бориш ҳамда сувнинг аниқ ҳисоб-китобини юритишга эришилмоқда.



Суратларда: ҳозирда гидроузельнинг "Кегейли" канали сув тақсимлаш бош иншоотида таъмирлаш ва автоматлаштирилган бошқариш тизимини жорий қилиш бўйича кенг кўламли иш олиб борилмоқда. Мақсад ХАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Янги Андижонга равон йўл қуриляпти



Зиё СИРОЖ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Андижон туманидаги адирлик ён бағрида қад ростлаётган "Янги Андижон" турар жой массивида ишлар авжида.



Бунёдкорлар 4 минг гектар майдоннинг 1 439 гектарига уй-жой, савдо масканлари ва кичик саноат зонаси, 1 820 гектарига яшил ҳудуд, 223 гектарига эса хизмат кўрсатиш ҳудуди ҳамда 499 гектар майдонда йўл қурилиш ишларини бошлаб юборган. Лойиҳа фойдаланишга топширилгач, янги шаҳарга 411 минг аҳоли кўчиб ўтиши режалаштирилган. Мана шундай кенг кўламли хайрли ишларда йўлсозлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар томонидан айна пайтда 10,7 километр узунликдаги йўлни барпо этиш ишлари олиб борилляпти.

– Ушбу объектнинг қурилиш

смета лойиҳаси 201 миллиард 618 миллион сўмдан зиёд бўлиб, 2021-2022 йилларда 70 миллиард 935 миллион сўмдан ортиқ ҳажмдаги ишларни бажариш режалаштирилган, – деди Андижон автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси бўлим бошлиғи Санжарбек Ашуров. – Ҳозирга қадар 41 миллиард 723 миллион сўмдан зиёд миқдордаги ишлар бажарилди. Бунинг учун 60 га яқин махсус техник воситалар жалб этилган.

Бундан ташқари, йўлсозлар томонидан вилоятдаги 239,7 километр масофадаги автомобиль йўлида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этапти.

Кўп қаватли уйлардан фойдаланиш самарадорлиги қандай бўляпти?

Кўп қаватли турар жой бинолари кўпчилик учун хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Шу боис, унда барчага бирдек хизмат қилиш хусусияти қамраб олинади. Бинога қўшимча қурилмаларнинг ноқонуний тарзда қурилиши эса бошқа аҳолига турли нуқудайликларни келтириб чиқариши мумкин. Бугун юртимизда бу каби ҳолатларнинг олдини олиш ва унга қарши чора кўриш ишлари самарали ташкиллаштирилган.



Жумладан, Уй-жой фонди инспекцияси Андижон вилоят ҳудудий инспекцияси томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар Андижон, Хонобод шаҳарлари ҳамда Андижон, Асака, Жалақудуқ, Шаҳрихон, Кўргонтепа туманларидаги кўп хонадонли уйлар ва унга туташ ҳудудларда ўрганиш ишлари амалга оширилди.

– Ўрганишлар натижасида 147 та ҳолатда қонун бузилиши ҳодисалари аниқланди, – деди инспекция бошлиғи Азизбек Исмоилов. – Ўрганишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият аҳоли ноқонуний қурилмалар барпо этиш орқали турар жойдан фойдаланиш тартибларига амал қилмаган. Шунингдек, унинг ички тизимларини ўзгартириш, ертўладан нотўғри фойдаланиш, муҳандислик-коммуникация тизимлари тартибларига амал қилмаслик ҳолатлари ҳам кўп учрамоқда. Юзага келган салбий оқибатларни 15 кун муддат ичида бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилган бўлишига қарамай, унга амал қилмаган 171 нафар шахсга нисбатан 29,6 млн сўм маъмурий жарима қўллашга тўғри келди.

Шунингдек, ўрганишлар давомида ширкатлар уюшмалари фаолият ҳам эътибордан четда қолмади. Натижада 9 та қолоқ хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларида 286 миллион сўмлик қонун бузилиши ҳолатлари содир этилганлиги қайд этилди. Бу каби ҳолатлар 231 та кўп қаватли уйларнинг янги ташкил этилган Бошқарув сервис компанияларига бириктирилишига сабаб бўлди. Шу ўринда айтиш жоиз, сўнгги уч йил мобайнида 9 та ширкат томонидан 200 млн сўмдан зиёд миқдордаги пул маблағлари ноқонуний равишда ўзлаштирилган. Бу эса амалдаги тартибларга зид равишда фаолият юритаётган ширкатлар фаолиятини тўхтатишга сабаб бўлди.

Ҳамюртларимиз истиқомат қилаётган уй ҳар томонлама қўлай бўлимоғи керак. Бу борада салбий оқибатлар юзага келмаслиги учун оlib борилаётган ўрганиш ишлари давом этмоқда.

Маҳаллийлаштириш – давр талаби

Сўнгги йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига четдан келтириляётган махсулотлар ҳажмини қисқартириш ва экспортни кенг шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли маҳаллий хомашёлардан қурилишбоп материаллар тайёрлаш ҳажми ортиб бормоқда.

Пойтахт вилояти тадбиркорлари бу жиҳатдан кўплаб ташаббусларнинг муаллифи бўлишган бўшқаларга ибратдир. Яқинда "Ангрэн" эркин

иқтисодий зонаси ҳудудида лойиҳа қиймати 8,1 миллион АҚШ долларига тенг ва йиллик ишлаб чиқариш қуввати 300 минг куб метр бўлган янги автоклавланган газобетон блокларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Мазкур истиқболли лойиҳа хорижий "Ecoton Sharq" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилди.

Айтиш жоизки, ушбу материални ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани билан ва иншоотларни қуришнинг арзонлигини таъминлаш баробарида бунёдкорлик ишлари тезлиги ва сифатини оширишда ҳам муҳим ўрин тутди.

Лойиҳани ишлаб чиқаришга татбиқ этишда Қозоғистон Республикасининг "ОТАУ-К" масъулияти чекланган жамияти хорижий инвестор сифатида иштирок этди. Корхонада ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун айна пайтда замонавий технологик линиялар ўрнатилган бўлиб, бу ўз навбатида, юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардор махсулотлар ишлаб чиқариш имконини берапти. Лойиҳа тўла қувват билан иш бошласа, 160 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Ўз мухбиримиз.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЛУГЛАНГАН ЮРТ

Наргиза МИРЁКУБОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Инсон манфаатлари улуғланган юртимизда одамларнинг бахтли ва фаровон яшаш учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Худудларда "Янги Ўзбекистон" массивларининг бунёд этилаётгани аҳолининг уй-жойга бўлган эhtiёжини қондиришда ҳамда бахтли ҳаётини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қашқадарё вилоятининг Якабоғ ҳамда Косон туманларида бунёд этилаётган "Янги Ўзбекистон" массиви 2 750 нафар фуқаронинг уй-жойга бўлган эhtiёжини қондиради. Бу ерда 100 та 5 қаватли уйлар, поликлиника, 2 та мактаб ва яна шунча мактабгача таълим ташкилоти, маҳалла ва маданият маркази, спорт иншоотлари ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд

этилади. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил апрель ойида Қашқадарёга ташрифи давомида "Янги Ўзбекистон" массивини замонавий андозалар асосида бунёд этиш бўйича берган топшириқларига мувофиқ, турар жойлардан тортиб ҳар бир қўшимча объект, бино ва иншоотлар, муҳандислик коммуникация тизимлари, йўл инфратузилмаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъбиркорларга қўлай шарт-шароит ва имконият яратиш мақсадида инфратузилма давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда.

Айни пайтда бу ерда 18 та қурилиш ташкилотининг 600 дан ортиқ қурувчилари меҳнат қилишяпти. 5 қаватли ҳар бири 20 та хонадонга мўлжалланган 2 ва 3 хонали бу турар жойлар замонавий архитектура ечимига эгаллиги энг муҳими, арзон ва сифатлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шаҳарсозлик нормалари ва қурилиш қоидалари асосида замонавий, энергия тежамкор ва шунингдек, ўзимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланилаётгани янада самарали бўлмоқда.

– Яқин-яқинларгача туманимизда 2 қаватли уйлар ва яна 1 та 4 қаватли уй бор эди, – деди меҳнат фахрийси Зикрилла Шерматов. – "Янги Ўзбекистон" массивида шундай катта бунёдкорлик ишлари бўлишини биз кўз олдимишга келтирмаганмиш. Қисқа фурсатда Президентимизнинг бевоқиф раҳбарлигида амалга оширилган жадал ислохотлар туфайли шундай асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари бажарилди. Бу эзгу ишларни намунаси сифатида Косон тумани ҳам шундай бир гўзал қиёфа касб этдики, бундан одамнинг кўзи қувнайди. Энг асосийси, мана шу массив туманимизда аҳоли зич жойлашган бир қисмида ҳаммага қўлай бўлган жойда марказга яқин ҳудудда қуриляпти. Яқин кунларда Косон туманидаги мана шундай "Янги Ўзбекистон" массиви ҳақиқий Ситига айланади.

Жорий йилнинг охиригача 648 хонадонли 30 та уй-жой, 1 та мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти, оилавий поликлиника, маҳалла биноси ҳам фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Айни пайтда ижтимоий объектларни қуриш учун тендер танлови олиб борилиб, пудратчи ташкилотлар аниқланмоқда. "Янги Ўзбекистон" массивидаги 100 та турар жой қурилиб битказилиши билан 2 064 та оила ўз уйига эга бўлади. Яна бир муҳим жиҳати, уй-жойи йўқ, шароити оғир, боқувчисини йўқотган фуқароларга дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидияларнинг ажратилаётгани катта имконият бўлди. Шунингдек, узоқ муддатли ипотека кредити асосида ҳам фуқароларга уй-жойлар ажратилади. Тумандаги Дўстлик маҳалласидаги фойдаланилмай бўш турган ушбу майдонда янги массивнинг бунёд этилаётгани ҳудудга шаҳар қиёфасини олиб кириши билан бирга, одамларнинг озу-ниятлари ушалиши учун катта замин яратмоқда.

Аҳолига хизмат кўрсатувчи бинолар кўпаймоқда



Ҳилола ИСМАТОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Зарафшон шаҳрида 85 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг давлат хизматлари олишга бўлган эhtiёжи ҳам шунга яраша юқори. Мустақилликнинг 31 йиллиги байрами арафасида қуриб фойдаланишга топширилган шаҳар адлия бўлими биноси фуқаролар учун чинакам тўхфа бўлди.



Икки қаватли иншоот ҳар томонлама қўлай ва замонавий кўринишга эга. Унинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мазкур бинонинг қурилган, ислохотларнинг амалдаги самараси сифатида аҳоли манфаати йўлида хизмат қилиши, яратилган шароитлар хусусида таъкидлаб ўтишди. Ойнадек яряқираб турган зиналардан кўтарилиб хоналарни кўздан кечирган меҳмонлар юқори таассуротга эга бўлишди.

Унинг биринчи қаватидан Давлат хизматлари маркази жой олган ва у Навоий вилоятида янги ишга туширилган ўнинчи марказ ҳисобланади. Унда ресепшен, кутиш зали, 10 та қабул ойнаси, электрон навбат, тўловлар учун касса, тиббиёт хонаси, болалар майдончаси, мутлола бурчаги, халқ амалий санъати кўргазмаси жой олган. Шаҳар адлия бўлимининг маъмурий биносида ФХДБ бўлими ҳам жойлашган, янги оила қўрган фуқароларни никоҳдан ўтказиш учун кенг замонавий жиҳозланган. Бундан ташқари, бинода нотариус, юридик хизмат кўрсатиш маркази ҳам жойлашган. 2-қаватда мажлислар зали, мўъжазгина музей, техник хизмат кўрсатиш каби хоналар мавжуд.

Рақамларга тўхталадиган бўлсақ, жорий йилнинг шу даврига қадар давлат хизматлари маркази орқали аҳоли ва таъбиркорлик субъектларига 21 мингга яқин давлат хизматлари кўрсатилган, 200 дан ортиқ юридик шахс ва 400га яқин яқка тартибдаги таъбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказилган. Эндликда ушбу жараёнлар янада кўлай шароитларда олиб борилади. Муҳими, янги Ўзбекистонимизнинг янги иншоотлари яна биттага кўпайди.




Унинг биринчи қаватидан Давлат хизматлари маркази жой олган ва у Навоий вилоятида янги ишга туширилган ўнинчи марказ ҳисобланади. Унда ресепшен, кутиш зали, 10 та қабул ойнаси, электрон навбат, тўловлар учун касса, тиббиёт хонаси, болалар майдончаси, мутлола бурчаги, халқ амалий санъати кўргазмаси жой олган. Шаҳар адлия бўлимининг маъмурий биносида ФХДБ бўлими ҳам жойлашган, янги оила қўрган фуқароларни никоҳдан ўтказиш учун кенг замонавий жиҳозланган. Бундан ташқари, бинода нотариус, юридик хизмат кўрсатиш маркази ҳам жойлашган. 2-қаватда мажлислар зали, мўъжазгина музей, техник хизмат кўрсатиш каби хоналар мавжуд.

Манфаатли бизнес-форум бўлиб ўтди

Шухрат НОРМУРОДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Онлайн форматда ўтказилган форумни республикамизнинг Хитойдаги элчиси Фарҳод Арзиев ва вилоят ҳокими Мурот Азимовлар очиб берди. Тадбир доирасида вилоятнинг иқтисодий салоҳияти, хорижий инвесторлар учун яратилган шароитлар ва соҳалар бўйича имкониятлар тақдироти бўлиб ўтди.



ларлик ип-калага ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилди.

Бизнес-форум доирасида иштирокчиларга Қарши шаҳрида ташкил этилган эркин иқтисодий зона имкониятлари ва яратилган қўлайликлар ақб этган видеоролик ҳавола этилди. Икки давлат ишбилармонлари ўртасида иқтисодий ва инвестицион муҳитни ёритиб

берувчи қатор тақдимотлар ўтказилди. Тадбир сўнгига Хитой Халқ Республикасининг "Longi Solar Technology CO., LTD." корхонаси билан қайта тикланувчи энергия манбалари лойиҳаларининг техник ва иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда Қашқадарё вилоятида кўшб энергетикаси лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

ЖИЗЗАҲДА ЯНГИ СПОРТ ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛЯПТИ

Фозилжон ҚОСИМОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугун спортимиз ривож ёшларимизнинг мусобақалардаги юқори натижаларида акс этмоқда. Жиззахлик спортчи ёшлар жорий йилнинг ўтган даврида Осиё, Жаҳон чемпионатлари ва йирик халқаро мусобақаларда 166 та, шундан 51 та олтин, 57 та кумуш ва 58 та бронза медалларини жамғаришга эришишди. Айтиш керак, бунда яратиб берилаётган имкониятлар ўз самарасини берапти.

иқига олган ҳудудда 100 ўринли ётоқхона, ўқув бинолари, футбол зали, бассейни, гимнастика зали, шунингдек, 4 та катта ва кичик табиий ҳамда сунъий майдонлар қуриляпти.

Жиззах олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида ҳам бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Бу ерда 200 ўринли ётоқхона таъмирланиши билан бирга яна қўшимча 300 ўринли янги ётоқхона қуриб берилди. Қўшимча 150 ўринли янги ошхона ҳам ташкил этилди. Асосий ўқув бино ва ёпиқ манежда ҳам таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари давом этяпти. Дарвоқе, ушбу марказда бу йил қўшимча равишда олимпия спорт турларидан камондан отиш ва қиличбозлик турлари қўшилган бўлса, парасузиш, паравелоспорт, паранематлетика йўналишлари паралимпия турлари ҳам киритилди.

Дарвоқе, бу йил вилоят дзю-дочилари учун ҳам янги мажмуа бунёд этилди. Давлатимиз раҳбарининг "Дзюдо спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан айнан дзюдо спорти инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш, умумий ўрта таълим мактабларида ушбу спорт тури заллари сонини кўпайтириш ҳам кўрсатиб ўтилган эди. Жиззах шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби ҳудудида бунёд этилган мазкур мажмуада барча имкониятлар мурожасам.

Президент қароридан дзю-дочилари аҳоли ўртасида оммавий спорт турларидан бирига айлантириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш вазибалари ҳам кўрсатиб ўтилган. Демак, энди барча ҳудудларда мазкур спорт тури ривожланиши, ёшлар, шу жумладан, аёллар орасида оммалашши ортади.

Янги ланаётган зиё даргоҳи

Абдулла АХМАТОВ,
Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти талабаси.

Бугунги кунда юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида янги иншоотлар қад ростлаб, кишилар кўзини қувонтирмоқда. Айниқса, Тошкент шаҳри деярли ҳар соғияда ўзгаришлар билан барчани лол қолдираётгани ҳам бор гап. Айни пайтда шаҳарнинг чиройига чирой қўшиб турган яна бир зиё даргоҳи – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фундаментал кутубхонаси ҳам қайтадан реконструкция қилиняпти.

Кутубхона 1933 йилда кўплаб олимларнинг шахсий кутубхоналари фондидан ажратилган 39 422 нусха китоб асосида ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда мавжуд 4 миллионга яқин китоб фонди билан Ўзбекистон илм-фанининг ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Дастлаб ташкил топган йили 10 та ходим 300 нафар китобхонга хизмат кўрсатган бўлса, бугунги кунда 78 ходим ва ишчи-техниклар йил давомида 33 мингдан ортиқ китобхонга йил давоми-

да бир миллиондан ортиқ илмий адабиёт улашади. Кутубхонадан фойдаланадиган китобхонларнинг асосий қисмини Фанлар Академияси тизимидаги илмий муассасаларнинг илмий ходимлари, олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари, докторантлар ва талабалар ташкил этади.

Ҳозирги кунда бинода "Қурилиш кўчма колонна 017" МЧЖ томонидан капитал таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. МЧЖ директори Е. Абдуллаевнинг сўзларига кўра бугунгача қурилиш ишларининг қарийб 65 фоизи ўз ниҳоясига етган. Корхонада 80 дан ортиқ қурувчи меҳнат қилляпти. Муҳташам бинонинг ички қисми 13 917 квадрат метрни ташкил қилиб, 3 қават ва ертўладан иборат. 40 та хонадан ташкил топган бинонинг ертўласи китоблар захира фондини эгаллаган. 1-2-3 қаватларда кутубхона бўлимлари ва фойдаланувчилар учун ўқув заллари фаолият кўрсатади.

Маълумот ўрнида, бундай новё архитектура биносининг лойиҳаси Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида жойлашган кутубхона лойиҳаси билан бир хил ишланган. Тошкент шаҳрининг Зиёлилар кўчасида жойлашган ушбу бинони шу йилнинг 10 ноябрь кунигача тўлиқ таъмирдан чиқариш режалаштирилган.

"ТАЪМИРЛОЙИҲА"нинг ишлари эътирофга муносиб

Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Мамлакатимизда қурилиш индустриясининг ривожланиши соҳа ходимлари олдига муҳим вазифаларни қўндаланг қилиб қўймоқда. Янги шаҳарлар, метрополиси, массивлар қад ростлаётгани нафақат биноларнинг, балки шу тармок учун маъсул бўлган ишчи-хизматчиларни аниқ, пухта ишлашга, ҳар бир юмушга пухта ёндашишга даъват этяпти.

Жумладан, йирик объектлар, уларга тааллуқли иншоотларни лойиҳалаш бош режа ва мастер режаларни ишлаб чиқишда мутахассислар олдига қўйилаётган талабларни сифатли ўдалаш бугуннинг долзарб муаммосига айланган. Яқинда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида республикадаги бунёдкорлик ишлари муҳокама этилиб, биноларни лойиҳалаш, сифат назорати бўйича, архитектор ва лойиҳачилар фаолиятидаги сусткашлик, тажриба етишмаслиги ҳақли эътирозга сабаб бўлгани бежиз эмас.

Инсон манфаатларини таъминлаш йўлидаги бундай

дадил ҳаракатлар ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмайди, албатта. Шу жиҳатдан олганда, Самарқанддаги "Таъмирлоийҳа" МЧЖда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Малакали муҳандислар ва мутахассислардан иборат жамоа 70 йилдан зиёд вақтда даврга ҳам-оҳанг одимлаб, қатор ютуқларга эришаётганини таъкидлаш лозим. Бугун юртимизнинг турли гўшаларига чирой бағишлаб турган кўркям уй-жойлар, санаот корхоналарининг лойиҳалари, коммуникация тизимлари ушбу даргоҳда тайёрланиб, ҳаётга татбиқ этилган.

"Таъмирлоийҳа"га тамал тош қўйган инсонларнинг айримлари ҳалигача ўз ўринларини эгаллаб, ёш шоғирдлари билан ҳамкорлик қилаётгани, билим ва тажрибаларини уларга ўргатаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шулардан бири, қарийб йигирма йил ташкилотни бошқарган таниқли лойиҳачи Масъуда Бобожоновадир. Устоз бугун лойиҳачиларга сардорлик қилаётган ўғли Дилшод Қодировнинг фаолиятини тахлил қилади, ўрни келганда маслаҳатлар беради.

– Онам доим ҳамфидр, суянчиқ, – деди Дилшод Ботирович. – У кишининг ўғитлари туфайли кўплаб ютуқларни кўлга киритяптим. Иزلанувчан, кадрлар эса анъанан давом эттириб қолмасдан замонавий, инновацион тех-

нологиялардан фойдаланиб, илғор усулларни қўллашдан чарчашмайди. Натижа ҳам шунга яраша бўлмоқда. Утан йили "Ургут" эркин иқтисодий зонаси ва Пастдаргом туманининг "Дўстлик" массивидаги қурилишлар канализация тармоғини, "Самарқанд" халқаро аэропортининг янги биносидаги ташқи коммуникация ишларини, Самарқанд шаҳрининг 60 дан зиёд кўчалари канализация ва ичимлик сув таъминоти тизимини ишлаб чиқдик. Жорий йилда эса Ургут туманида қад ростлаётган "Янги Ўзбекистон" массивининг канализация ва ичимлик суви таъминоти, вилоятдаги қатор туманлардаги "Обод қишлоқ" дастурига киритилган манзилларнинг лойиҳаларини тайёрлашда қатнашдик.

Таъкидлаш жоизки, дизайнер-лойиҳачилар иншоотлар лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда уларнинг техник ҳолати, яроқлилиги оид хулоса бериш, сейсмик бардошлигини аниқлаш вазибаларини ҳам ўз зиммаларига олишган. Айни пайтда жамоа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саклаш омборхоналари – музлатгичлар, захира сув саклаш иншоотларини барпо этишдек режаларга ҳам қўл урмоқда. Бунда уларга "Самарқанд сув таъминоти", "Сувоқова", "Ўзбексувтаъминоти" ташкилотлари томонидан тушаётган буюртмалар қўл келяпти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
31 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАНБАҒДОДЛИКЛАРНИНГ КЕЛАЖАКДАН
УМИДЛАРИ КАТТАЗайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Кейинги йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида шаҳардагидан қолишмайдиган, миллийлик ва замонавийликни ўзига уйғунлаштирган бири-биридан гўзал бино-иншоотлар, обод манзиллар бунёд этиляпти. Юртдошларимиз қалбида эса бугунги кунга шукроналик, ҳаётдан рози бўлиб яшаш ва ватанимизнинг келажакига ҳисса қўшиш туйғуси янада шаклланиб келмоқда. Бу борада айниқса, "Обод қишлоқ" дастури асосида бажарилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Хусусан, Фарғона вилоятининг Бағдод туманида ҳам бу каби ишлар жадаллик билан амалга оширилмоқда.

ҚИШЛОҚЛАР ЎЗГАЧА
ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА

Жорий йилда "Обод қишлоқ" давлат дастури доирасида тумanning Чекмирзаобод ва Дашт қишлоқларида қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг амалга оширилаётгани аҳолини мамнун қилмоқда.

Айни кунларда ҳар икки қишлоқда 10 минг 895 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Фуқаролар ишлаб



чиқаришнинг турли жабҳаларида фаоллик кўрсатиб, жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Қишлоқларни замонага мос тарзда қайта қуриш, аҳолининг яшаб, меҳнат қилиши учун "Обод қишлоқ" дастури доирасида республика, маҳаллий, тармоқ корхоналари, ташаббускор тadbirkorлар, аҳоли маблағлари, хомийлик ва хайрия тadbirkorлари ҳамда тижорат банкларининг кредит маблағлари ҳисобидан 20 267,1 миллион сўм йўналтирилган.

Бундан ташқари, қишлоқ йўллари раванлаштириш, фуқаролар ҳамда автотранспортлар ҳаракатланиши учун қулайликлар яратиш мақсадида ички йўللар қайта таъмирланяпти. Бирги-

на ана шу мақсадлар учун республика бюджетининг автомобиль йўллари захира маблағлари ҳисобидан 5 070,0 млн сўм, хўжаликларро ва ички йўллари 15 километрни асфальтлаш учун 6 375,0 млн сўм ажратилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 5 460,0 млн сўм маблағ ҳисобига 21 километр тармоқ тортиш ва таъмирлаш, 3 та сув иншооти қуриш режалаштирилган. Шунингдек, электр ва газ таъминотини яхшилаш чоралари кўрилиб, яқша тартибдаги уй-жойлар таъмирланяпти.

– Йигирма йилдан буён Чекмирзаобод қишлоғидаги умумтаълим мактабида ёшларга она тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келаман, – деди Роҳилоҳон Мамадалиева. – Қишлоғимизнинг "Обод қишлоқ" дастурига тушгани ҳаммамизни хурсанд қилди. Бугун маҳаллаларимиз улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари туфайли кундан-кунга чирой очиб бораёти. Яқинда ҳамкасбларим билан туманимизнинг дашт ҳудудида барпо этилган "Муруват" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Гулистон шаҳарчасига бордик. Мўъжаз шаҳарчада ҳамюртларимиз учун яратилган шароитларни кўриб ўз кўнғайи. Бағдод таърифи сифатида республикада алоҳида эътироф этилган ушбу шаҳарчанинг лойиҳаси кенгайиб, 1 260 та хонадондан иборат 61 та замонавий, кўп қаватли турар жой бинолари қад ростлаган. Оқдид қишлоқ аҳоли учун яратилган бундай шароитни кўриб, рост, шу юртга, унинг равақига хизмат қилиш буюк бахт эканлигини

яна бир бор ҳис қилдим. Фахрлини айта оламани, бизнинг қишлоқ ҳам шаҳардан қолишмайди. Ҳамқишлоқларимиз аҳил, очиккўнгил, меҳнатсевар. Кимдир мен каби ўқитувчи, яна кимдир томорқасидаги иссиқхонада помидор, бодринг ёки резавор этиштириб халқимиз дастурхонига етказиб берапти. Даромадидан ортириб, бежирим уйлар қураёпти.

ИНФРАТУЗИЛМА
ОБЪЕКТЛАРИ – ҲАМИША
ЭЪТИБОРДА

Дарвоқе, тумандаги мавжуд инфраструктура объектларини таъмирлашга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда 21-сонли умумий ўрта таълим мактаби, 52-мактабгача таълим ташкилоти, маҳалла гузарларида жорий таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

34-мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш тендер натижаларига кўра ғолиб пудратчи – "Independent broker" хусусий корхонаси чекига тушган бўлиб, айни кунларда бинода таъмирлаш ишлари қизғин.

Туманда аҳоли саломатлигига ҳам катта аҳамият берилётгани туфайли 9-сонли оилавий поликлиника биносидан бош пудратчи – "Oguz ta'mir qurilish fayz" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан қурилиш ишлари бажарилди. Уларга қишлоғидаги оилавий поликлиника биносидан эса "Shuhratjon" хусусий корхонаси томонидан ана шу каби ишлар бажарилди.

Тунги кўча ёритиш тизимларини янада такомиллаштириш мақсадида Чекмирзаобод маҳалла фуқаролар йиғинидаги мавжуд кўчаларга 135 та таянч устунлар ўрнатилиб, 2,2 километр электр тармоқ тортилди. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида қишлоқларни туман маркази билан боғловчи автобуслар қатнови йўлга қўйилиб, йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

– Жорий йилда туманда инвестиция дастурини амалга ошириш мақсадида 6 та ижтимоий ва инфратузилма объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган, – деди туман ҳокимининг ўринбосари Умиджон Йигиталиев. – Жумладан, 42-ва 18-сонли умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, 47-сонли мактабгача таълим ташкилоти биносининг реконструкция қилиш ишлари давом эттирилмоқда. Шунингдек, ичимлик суви объектида тармоқ тортиш ва янги қудуқ қазिश ишлари, бино-иншоотларда қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳам режалаштирилган.

Туман марказининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш ишлари ҳам алоҳида назоратга олинган. Айни кунгача объекта бош пудратчи – "Ореңд лидер строй" МЧЖ томонидан катта ҳажмдаги ишлар бажарилди.

САНОАТ ЗОНАЛАРИ
ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАЯПТИ

Сўнгги пайтларда туманда тadbirkorликни ривожлантириш орқали ёшлар учун доимий иш ўринларини яратиш мақсадида янги-янги инновациялар ҳаётга кенг жорий этиляпти. Ҳаётини мазмунли ўтказишини мақсад қилган тadbirkorларнинг изланиб, ички имкониятларини ишга солиб, янги ишлаб чиқаришга жорий қилишлари натижасида жойларда кичик санаят зоналари ташкил этилмоқда. Бир-бирини масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан қурилиш ишлари бажарилди. Уларга қишлоғидаги оилавий поликлиника биносидан эса "Shuhratjon" хусусий корхонаси томонидан ана шу каби ишлар бажарилди.

Бугунги кунда тумanning 41,3 гектар ер майдонида "Муруват", "Истиклол",

"Дашт", "Ўзбекистон ММТП", "Каримбобо" "Миришкор" ва "Аэродром" кичик санаят зоналари ҳамда "Муруват Ёшлар", "Миришкор", "Чигит" ёшлар санаят ва тadbirkorлик зоналари ташкил этилган бўлиб, улар 275 лотга ажратилган. Шуларнинг 152 таси тadbirkorлик фаолиятини юритиш мақсадида аукционга чиқариш учун кўриб чиқилляпти.

Ушбу кичик санаят ҳамда ёшлар санаят ва тadbirkorлик зоналарига бугунга қадар 144,1 млрд сўм шундан, ўз маблағи ҳисобидан 97,1 млрд сўм, банк кредитлари ҳисобидан 25,9 млрд сўм ва хорижий инвестициялар ҳисобидан 2,1 млн АҚШ долларлик 93 та лойиҳа жойлаштирилди. Ушбу лойиҳаларнинг 16 таси яқинда фойдаланишга топширилиб, 28,5 млрд сўм маблағ ўзлаштирилди. Натижанда 201 нафар янги иш ўрни яратилди.

"Муруват Ёшлар" санаят ва тadbirkorлик зонаси 2-сектор ҳудудида жойлашган бўлиб, умумий ер майдони 7,3 гектарни ташкил этади. Мазкур санаят зонаси 32 та лотга ажратилган бўлиб, ўтган йили умумий қиймати 30,4 миллиард тенг 22 та лойиҳа 31 та лотга жойлаштирилди. Бундан ташқари, ушбу лойиҳаларнинг 11 таси фойдаланишга топширилган ва 135 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш ўринлари билан таъминланди. Шунингдек, қолган 11 та лойиҳада айни кунларда қурилиш-монтаж ишлари жадаллик билан давом эттирилмоқда.

4-сектор ҳудудидаги умумий лойиҳа қиймати 20,6 млрд сўмга тенг "Бағдод ММТП" кичик санаят зонасига 4 та лойиҳа жойлаштирилган ва келгусида бу ерда 145 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Эътиборлиси, ушбу лойиҳалар ишга туширилди, "GNT CARE" қўшма корхонаси томонидан тиббий ниқоблар ва буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Биргина қишлоқ ёки кичик маҳалланинг обод қилиш замирида ҳам улкан маъно муҳасам. Мана, 31 йилдирки, истиқлол шабадаси туфайли юртимизнинг энг оқило ҳудудлари ҳам обод гўшага айланмоқда. Юрт ободиди, демек бу аҳоли ҳам фаровон ҳаёт кеңирапти, деганидир. Бунда келажакдан умиди катта бўлган меҳнаткаш бағдодликларнинг ҳам ҳиссаси борлиги уларга чексиз ифтихор туйғусини бағишламоқда.

Байрамга муносиб
тайёргарликАбдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикасида мустақиллигимизнинг 31 йиллигини меҳнатда муносиб кутиб олишга астойдил киришилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги "Кимё санаяти корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли қимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тadbirkorлири тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида "Қўнғирот сода заводи" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси яқинда "Uz-Kor Gaz Chemical" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси билан ҳамкорликда янги лойиҳани ишга туширди. Лойиҳа иш бошлаши натижасида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати бир неча ҳиссага ошиб, технологик жараёнларнинг яхшилаши, асосий ускуналарнинг барқарор ишлашини таъминлашга ва хомашё сарфи камайтиришга эришилди.

"Ўқимёсанаят" акциядорлик жамиятидан олинган маълумотга кўра, "Қўнғирот сода заводи" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси томонидан яқунланган йили кальцийланган содани сотишга белгиланган режа ортиси билан уддаланиб, ички бозорга 411,6 миллиард сўмлик, яъни, 138,7 минг тонна маҳсулот, экспортга эса 6,2 миллион АҚШ долларлик 35,2 минг тонна маҳсулот сотилган.

– Шу кунларда 2022-2025 йилларда кальцийланган сода ишлаб чиқаришни йилига 450 минг тоннага етказиш бўйича йирик инвестиция лойиҳаси

ни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш юзасидан зарур ишлар бошлаб юборилган, – деди корхона бош директори ўринбосари Ш. Юлдашев. – Чунанчи, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 апрелдаги "Кимё санаятини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тadbirkorлири тўғрисида"ги қарори асосида корхонада ишлаб чиқариш қувватини ошириш лойиҳаси амалга ошириш учун тендер ўтказилиб, ишнинг якуни бўйича Россиянинг "Салюс" компанияси ғолиб, деб топилди.

Умумий қиймати 190 миллион АҚШ долларига тенг бўлган мазкур лойиҳа ишга тушса, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириб, соф фойданинг ошиши ҳисобига қўшимча яна 300 та янги иш ўрни яратилади.

Шу ўринда яна бир гап, тумanning Элобод шаҳарчасидаги 200 гектар ер майдонида барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массиви ҳам айнан мана шу заводга яқин жойда қад ростламоқда. Бугунги кунда ҳудудда бунёдкорлик ишлари қизғин тус олиб, замонавий типдаги 5 қаватли 20 та турар жой биноларини барпо этишга киришилди. Массивда кўп қаватли уйлардан ташқари, бочча, мактаб, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, бозор инфратузилмаси ва ижтимоий соҳа объектлари, 50 ўринга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти, маҳалла идораси ҳам қад ростлайди.

Ҳамкорлик учрашуви

Латофат ЮСУБОВА,
ТАҚИ матбуот котиби.

ТАҚИда "Ўзсанаятқурилиш-материаллари" уюшмаси раиси ўринбосари Азизбек Ваҳодиров ва "ЎзқурилишматериаллариЛИТИ" МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази директори Саидхамд Раззоқов билан учрашув бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунда белгиланган вазифаларни бажариш, Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тadbirkorлири тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли, 2019 йил 20 февралдаги "Қурилиш материаллари санаятини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тadbirkorлири тўғрисида"ги ПҚ-4198-сонли, 2019 йил 23 майдаги

"Қурилиш материаллари санаятини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тadbirkorлири тўғрисида"ги ПҚ-4335-сонли қарорлари ҳамда Ўзбекистон Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 7 январь кун қурилиш соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилишдаги топшириқлари ижросини таъминлашда ТАҚИ, "Ўзсанаятқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзқурилишматериаллариЛИТИ" МЧЖ илмий тадқиқот ва инжиниринг маркази билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши керак бўлган масалалар ҳақида фикр алмашилди.

Шунингдек, ўзаро ҳамкорликнинг бош ғояси – олий таълим мазмунини корхоналарнинг ишлаб чиқариш муносабатлари мувофиқ шакллантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини такомиллаштириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни таъминлаш, илмий-тадқиқот



изланишлар ҳамда тажриба-синовлар ўтказиш, инновацион ва илмий-техникавий ишланмаларни яратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ушбу тadbirkorнинг асосий мақсади, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот фаолияти самардорлиги ва натижадорлигини ошириш ҳамда уларни етакчи хорижий ишлаб чиқариш корхоналарига стажиров-

кага юбориш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш, улар учун махсус стипендиялар ажратиш, илмий-тадқиқот изланишлар ҳамда тажриба-синовлар ўтказиш, бакалаврият ва магистратура тибқирувчиларини иш билан таъминлаш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашдан иборатдир.

Наманганда янги мажмуа иш бошлади

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

"Восточный базар – SilkGranat" Наманган шаҳрида иш бошлаган миллий мажмуа ана шундай номланган. У нафақат вилоятнинг иқтисодий, шу жумладан, сайёҳлик салоҳиятини тарғиб этувчи, балки юртдошларимиз ва хорижий меҳмонлар эътиборини ҳам тортиши аниқ, Чунки бу ерда миллий хунармандчилик намуналари намойиш этилади, буюртма бериш имконияти ҳам бор.

Маҳаллий хунармандчилик мактабларининг илдиизи узоқ асрларга бориб тақалади. Наманган тўқимачилари ва ёғочсозлари, Чуст дўппидўзлари ва पिчоқчилари, Поп кулоллари, Косонсой кашталарининг доврўғи етти иқлимга кетган. Бугунги кунда ана шу аjoyиб усталарнинг аъёнларини шоғирдлари давом эттирмоқда.



Масалан, уч минг йилликдан зиёд тарихга эга бўлган Чустни дунёга танитганлар орасида пичоқчи усталар ҳам кўп. Улар эрамиздан олдинги даврлардаёқ бу

рўзгор буюмини яшашни санъат даражасига кўтарган. Раҳимжон Убайдуллаев ана шундай усталар сулоласининг давомчиси-дир. У пичоқчиликни ўғиллари ва набира-

ларига, кўплаб ёшларга ўргатган. Ясаган маҳсулотлари жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидаги кўргазмаларда намойиш этилган.

– Мажмуага қўйилган маҳсулотларни томоша қилдим, – деди Наманган шаҳрида яшовчи Ўзбекистон халқ устаси Маҳмуджон Жўраев. – Улар халқимизнинг амалий санъат соҳасидаги ютуқларини тақдим этувчи масканга айланибди. Ўзим ҳам ёғочсозлик ва сопол буюмлар тайёрлаб беришга буюртмалар олдим. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган устахонамиз бор. Аммо қўл меҳнати жараёнлари ҳам кўп. Шунинг учун ёшлардан кўпроқ шоғирдлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратаймиз.

Миллий мажмуа раҳбари таниқли тadbirkor Марина Жабборова ҳисобланади. Унинг айтишича, "Афсоналар водийси"да жойлашган бу бозор хорижий сайёҳлар эътиборини ўзига оҳанрабодай тортадиган бўлади. Бу ерда турли мавзудаги кўргазма, фестивал, семинар каби тadbirkorлар мунтазам ўтказиб турилади.


БУНЁДКОРЛИК ОРҚАЛИ ХУДУД ЎЗГАЧА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

1-бет

– Самарқанд вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи” инжиниринг компанияси буюртмачилиги асосида 2022 йил дастур доирасида 110 дан зиёд объектларда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилиши белгиланган, – деди компания бўлим бошлиғи Анвар Қодиров. – Шундан, 10 таси йилдан йилга ўтувчи ҳисобланади. 100 тасида бугунги кунда лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертиза ҳулосалари расмийлаштирилган. Танлов асосида пудрат ташкилотлари аниқланиб, ҳозирда жойларда қурилиш-монтаж ишлари бошланган. Шу билан биргаликда 2021 йил дастури асосида Имом ал-Бухорий мажмуасини қайта реконструкция қилиш белгиланган бўлиб, бугунги кунда қурилиш-монтаж ишлари тендер асосида голиб бўлган “Enter Engineering” компанияси томонидан қурилиш меъёрлари асосида олиб борилмоқда. Қурилишда доимий сифат назорати ўрнатилган, замонавий техникалардан фойдаланилмоқда. 750 дан зиёд ишчи-ҳодимлар жалб қилинган. Объектни 2023 йил охирида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Объектда инжиниринг компаниясининг техник назоратчилари томонидан доимий техник сифат назорати ўрнатилган.

Мажмуанинг кириш қисмида томонлари 60 метрга 60 метрни ташкил қилувчи 4 минг кв.метр майдонни эгаллаган масжид биноси қад ростламоқда. Масжид пештоқнинг баландлиги 29 метрни, гумбазнинг баландлиги эса 47 метрни ташкил қилади. Масжиднинг икки ёнида унга туташ дахлизлар, ҳар бири бир вақтда 168 нафар кишига хизмат кўрсатувчи аёллар ва эркеклар таҳоратхоналари, мажмуа ҳодимлари учун хизмат хоналари барпо этилмоқда.

– Қурилиш майдонимиз 5 гектар, – деди “Enter Engineering” компанияси етакчи мутахассиси Фахриддин Абдуллаев. – Масжид қурилиш майдони 2 гектар, бундан ташқари 4 минг квадрат метрдан зиёд ҳудудда кўкаламзорлаштириш ва даракт экиш ишлари олиб борилмоқда. Масжиднинг ўзида 10 минг кишилик жой бор. Агар бу ерда Ҳайит намозлари ўқиладиган бўлса, 25 мингга яқин киши сифдира олади. Биринчи қават айвон, унинг пастиди эса ертўла бор. Яъни, у ер музей бўлади ёки имомларга хизмат кўрсатадиган хона. Реконструкция ишларини 2021 йил февраль ойида бошлагандик. Насиб бўлса, объектни 2023 йилда топширишни режа қилаймиз. Ҳозирда қурилиш майдони-



да 750 киши ишламоқда, улардан 150 нафари Туркиядан келган мутахассислар. Бизнинг қонун талабларимизга мувофиқ, туркиялик қурилиш соҳасидаги ишчилар 3 йил малака кўникмасига эга бўлиши керак. Ундан ташқари, бу ерда уларнинг ҳам усқуналар, ҳам хавфсизлик қоидалари мезонлари билан ишлаш кўникмалари оширилади.

Эътиборлиси, масжид остидаги ҳамда унга туташ дахлизлар остидаги ертўлаларда ҳам намозхоналар учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Натижада жума ва Ҳайит намозлари пайтида қарийб 10 минг намозхон масжид ичида, яна 15 минг нафари эса мажмуа ҳовлисида ва атрофдаги айвонларда ибодатларни адо этишлари мумкин бўлади.

Бу зиёратгоҳга ташриф буюрувчиларга яратилган қулайликларимиздан бири бу барча замонавий шароитларга эга 2 қаватли меҳмонхоналар. Бу меҳмонхона қурилиш ишлари учун жуда қулай, чунки унинг ичида барча шароитлар бор. Шу билан бирга 2, 3 ва 5

қаватли 20 дан зиёд меҳмонхоналар қурилмоқда. Бу ерда 160 дан ортиқ одамларга мўлжалланган таҳоратхоналар бўлади. Бундан ташқари, ташриф буюрувчилар учун махсус конференц зал ҳам бор. Масжид 6 қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми Масжид, 2- ва 3-қисмлари дахлизлар, 5- ва 6-қисми эса имомларга хизмат кўрсатиш хоналари бўлади. Масжид қопламалари чет элдан келтирилган, энг тоза ва сифатли оқ мрамрдан қурилмоқда. Нақш ва шакллар ўзимизни миллий услубда яратилмоқда. Эшик-дарвозалар ҳам миллий ёғоч ўймақларини санъати асосида қурилган. Масжидда имомлар мактаби, Имом ал-Бухорий номидаги Илмий марказ ҳам бунёд этилди. Мажмуа атрофида хориждан келтирилган даракт ва ўсимликларнинг экилиши ҳам ҳудудга қўшимча гўзаллик бахш этади. Ташриф буюрувчилар бир пайтнинг ўзида ташкил этилган музейни томоша қилишлари, намоз ўқишлари ва меҳмонхоналарда дам олишлари учун барча шароитлар яратилмоқда.

Мажмуада амалга оширилаётган қурилиш ободонлаштириш ишлари давомида Имом ал-Бухорий мақбарасининг аввалги кўринишини сақлаган ҳолда қабр атрофи кенгайтирилиб, зиёратчилар учун ҳар томонлама қулайлик яратиш чоралари қурилмоқда. Хусусан, аввалги 9 метр ҳажмадаги мақбара ўрнига томонлари 12,8 метрдан иборат бўлган, баландлиги 26 метрни ташкил қилувчи мақбара бунёд этилмоқда. Эътиборлиси, зиёратга келувчилар мақбарага нафақат мажмуа ҳовлисида, балки атрофдаги айвонлар остидаги ертўла орқали ҳам келишлари мумкин бўлади. Мажмуа атрофида 4 та улкан минора кўкка буй чўзмақда. Ҳар бирининг баландлиги 75 метр бўлган миноралар мажмуага улғуворлик ва салобат бағишлайди.

– Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан бу ерда улкан қурилишлар бўляпти, – деди шу мақаллада истиқомат қилувчи Қурбон Ҳудойқиров. – Меҳмонхоналар, ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, туманга кириш қисмида

Туризм қишлоғи барпо қилиняпти. Бу ерда сайёҳларни қабул қилиш, меҳмонхоналарда келган меҳмонларни кўнгилни олиш учун шароитлар муҳайё этиляпти. Бу ерда бир қанча янги иш ўринлари, истиқомат қиладиган аҳоли учун ҳам катта имкониятлар яратилади. Мажмуа битта, дунё мусулмонларининг бу ерга ташрифи ва зиёратининг сони ошиши кутилмоқда. Ҳар бир кўча, хиёбонлар обод қилиниб, кўчаларга асфальт ётқизилмоқда. Мажмуа қурилиш асосида ҳудуд янгича қиёфа касб этмоқда.

Эътиборли жиҳати, мажмуада амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари, барпо этилаётган янги ва замонавий меҳмонхоналар, халқаро андозаларга хос ва мос келадиган маиший хизмат ва санитария-гиена шохобчалари келгусида маҳаллий ҳамда хорижий зиёратчиларга қулайлик яратиш, зиёрат туризини ривожлантиришга пировардиди, ҳудуд аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга хизмат қилади.

Ҳаммом ўрнида замонавий меҳмонхона



Рашид ХЎЖАМОВ,
журналист.

Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги Кичик Бешёғоч кўчасида жойлашган қурилиш объектида ишлар жадал бормоқда. Маълум қилинишича, ушбу объект ўрнида аввал ҳаммом бўлган ва эндиликда унинг ўрнида катта лойиҳа – меҳмонхона қурилиши режалаштирилган.

– Лойиҳа “Alaniya Stroy Servis” МЧЖ буюртмаси билан қуриш ва реконструкция қилишга топширилган. Лойиҳалаштирувчи фирма “Lyuks Loyiha” МЧЖ ҳисобланади. Қурилиш ишларини шу йил бошида бошлаб, 2023 йилнинг баҳорида фойдаланишга топширишга ҳаракат қилаймиз, – деди техник назоратчи Бахтиёр Турсунқулов.

Меҳмонхона 10 қаватли бўлиши режалаштирилган. Уни бунёд этишда 40-45 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Қурилиш техник назоратчисининг сўзларига кўра, ишчилар учун қулай иш куни режаси тузилган, иссиқ ҳавода

ишлаш қийинлиги ҳисобга олиниб, уларга тушлиқдан сўнг, соат 16.00 га қадар дам олиш белгиланган.

– Беш йилдан буён қурилиш соҳасида ишлайман, дастлаб катта усталарга шогирд тушиб, улардан касб сирларини ўргандим. Ҳозиргача кўпгина объектлар қурилишида қатнашганман, хусусан, пойтахтдаги “Tashkent city” қурилишида ҳам иштирок этдим. Тажрибам ошиб, шу касб ортидан оила боқяпман. Ўзим қорақалпоғистонликман, ҳар ой уйга бориб келамиз, шу кунларда бетонлаш ишларини бажаряпмиз, – деди Мардон Абдуллаев.

Объектда иш юритувчи Озод Эгамовнинг айтишича, қурилишда имкон қадар юқори дид билан ёндашишга ҳаракат қилиняпти, сифат биринчи ўринда. Бино дизайни ҳам анча пухта ишланган, келажакда меҳмонхона юртдошларимиз ва хорижий меҳмонларга хизмат қилади.

Бу каби бино ва иншоотлар юртимиз чиройига чирой қўшаётгани кувонарли. Муҳими, ушбу соҳани янада раванқ топиши мамлакатнинг туристик салоҳияти, истиқболларини белгилайди.

“Дўстлик” боғи ва Пушкин майдони янгича кўрқда



Эркин ҲОЖИМУҲАММАД,
журналист.

Пойтахтимизда эътиборга молик бинолардан тортиб кўнгилочар сайлгоҳларгача замонавий қиёфа тус олиб, эски бинолар таъмирланыпти. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузурдаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси биноси ҳам таъмирланиб, кўркам кўринишга келди.

Унинг рўпарасида турган Пушкин ҳайкали гўёки жонланиб, бўлаётган ўзгаришлардан таъсирланиб, шеър ўқийётганга ўхшайди. Бир мисол. Ҳар йили мана шу бино 6 июнда Александр Пушкиннинг туғилган кунини ўтказишга мезбонлик қилади, турли давлатлардан келган меҳмонлар ана шу тадбир-



ларда қатнашишади. Бино ичкарасидаги фаоллар залининг янгилангани ҳам киши дилига сокинлик ҳаёда этади. Залнинг меъморий безаклари реставрация қилиниб, олдинги ҳолати қайта тикланган ва Қўмита бино ва иншоотлари реконструкция қилиниб туташ ҳудуд кўкаламзорлаштирилди, кўчалар, йўллар асфальт қилиниб, пиёдалар йўлига чорқирра тош билан қопланганини алоҳида таъкидлаш керак.

Миллатлараро муносабатлар кўмитаси биносининг ёнгинасида жойлашган илгариги Бобур номи, ҳозирги “Дўстлик” боғи ҳам таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Ўзaro дўстликини мўжассам этган ушбу боғнинг кириш қисмига турли белгилар ўрнатилган ва кўнгилочар жойлар қаерда эканини унга қараб билиб оلسа бўлади. Боғда ошхона, бассейн, велосипед ижара ҳудуди, китоб кафеши, стол теннис клуби майдони, скейт машғулот майдони, ёзги кинозал ва болалар учун ҳам алоҳида ҳудуд мавжуд.

ТУГИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Август ойининг илк кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирилик бoш бухгалтери Эркин Эрматов, ички аудит ва комплаенс назорат бошқармаси, етакчи мутахассиси Жасур Файзиев, таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқарма бошлиғи ўринбосари Абдураҳмон Очиллов, кадрлар бўлими мутахассиси Мадина Мамадалиева,

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор Мурод Деҳқонов,

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Навоий вилояти филиали мутахассиси Исмоил Бахронов,

Сирдарё вилояти, Боёвут тумани қурилиш бўлими давлат қурилиш қонунларини назорат қилиш бўйича архитектор Нуруллоҳон Насруллаев,

Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани қурилиш бўлими бoш мутахассиси Лола Абдусаматова,

Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани қурилиш бўлими бoш мутахассиси Соибжон Нурмонов,

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси кадрлар бўйича бoш инспектор Ҳонзаров Ойназаров, ҳайдовчи Умид Астанкулов,

Хоразм вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси кадрлар бўйича бoш инспектор Эркин Қочқаровларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сихат-саломатлик, узoқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилайми!



ЎЗБЕКISTОН BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир Дилшод
Жалолов

Бош муҳаррир
ўринбосари Абдусами
Ҳақбердиев

Саҳифаловчи Акмал
Махкамов

Мусаҳҳих Марҳамат
Муслмонқулова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTОН БУНЁДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирилик,
«Узсанокатурилишматериаллари»
уюшмаси, «УГАШКЛИТИ» ДУК,
«УзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвести» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (жабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна
булими).
E-mail: uzbunyodkori@mail.ru

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигидан 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-843.
1859 нусxada босилди.
Қозғо бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоши келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
А. Ҳақбердиев.

Навбатчи – Р. Ҳўжаева.

Ўза якуни – 21.40.
Топширилди – 23.20.